Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 207 (20. 175) • 1988 йил 9 сентябрь • жума • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ!

● Пахта тайёрлаш мусобақасида пешқадамлик қилаётган областлар, районлар ва хўжаликлардан ўрнак олиб, терим суръатини кун сайин оширишга эришайлик.

● Ғўза баргини сунъий тўктириш — шу куннинг долзарб вазифаси. Дефолиацияни атроф-муҳитга, табиатга, энг муҳими, одамларга зарар етказмаган ҳолда амалга оширинг!

● Далада ишлаётганларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиб бериш партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг жонажон иши. Дала шийпонларида иссиқ овқат, савдо, медицина хизматлари намунали ташкил этилсин!

● МЕХАНИЗАТОР УРТОҚЛАР! Бу йилги «оқ олтин» ҳосили тақдири Сизларга, Сизларнинг ғайрат-шижоатингизга боғлиқ. Шунга эришайликки, токи ҳар бир «зангори кема» билан камида 100 тоннадан пахта терилишини таъминлайлик!

ТЕРИМГА ШАЙ

Сурхон водийси колхоз-совхозлари далаларида бу йил ҳар қачонгидан мўл пахта ҳосили етиштирилди. Эндиги вазифа — мавжуд ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиб, ғанимат фурсатларда она-Ватан омборларига етказиб беришдан иборат. Буни дилдан ҳис этган область заршунослари йиғим-теримни кун сайин қизғин тус олдиряптилар. Ангор, Термиз, Олтинсой, Қумқўрғон ва Жарқўрғон районлари хўжаликлари қўл териминг ўзиданоқ кунлик ўсишни 1-1,5 процентга етказмоқдалар.

Хўжаликларда машина теримига ҳозирлик ва ғўза дефолиацияси авж олиб кетди. Узоғи билан яна 10-15 кундан сўнг бу ерда «зангори кема»лар ёпасига ишга туширилади. Илғор хўжаликлар ва пешқадам механизаторлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, зиммаларига юксак мажбуриятлар олмоқдалар. Гагарин районидаги «Янгиобод» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Д. Ўроқова ва шу райондаги «Партия XXIV съезди» совхозининг бригада бошлиғи Х. Сафаровлар яқинда областдаги барча пахтакор ва механизаторларга мурожаат этиб, бу йилги терим мавсумини тез ва соз ўтказишга, машина теримини октябрь ойи ўрталаригача тугаллашга, мавжуд ҳосилнинг 70-80 процентини «пўлат этак»лардан тўкишга даъват этдилар. Область партия комитети бу мурожаатномани маъқуллади.

Ҳозир ана шу даъват издошлари сафи кун сайин ошиб бормоқда. Улар етиштирилган ҳосилни қисқа вақт ичида йиғиштириб олиш, унинг асосий қисмини юқори сортларга топшириш, ортиқча сарф-харажатларни қисқартириш, пахта таннархини кескин камайтириш режаларини белгиламоқдалар. «Янгиобод» ва «Партия XIV съезди» совхозлари механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини бункерлардан ағдаришга аҳд қилдилар. Айни кунларда ҳар икки хўжаликда ҳам «ОВХ—28» аппаратлари ёрдамида дефолиация қизғин давом этмоқда ва у 10-12 иш кунида тугалланади.

Шўрчи районидаги Киров номли колхоз меҳнаткашлари ҳам мурожаатга қўшилиб, пахта-йиғим теримини тўла механизациялаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар. Хўжаликда ўтган йили ҳосилнинг 64 проценти (3400 тоннаси) машиналарда териб олиниб, ялпи маҳсулотнинг 95 проценти биринчи сортга қабул қилинганди. Ҳар бир агрегат билан ўртача 119 тоннадан пахта терилди. Машинада терилган пахта юқори сифатли бўлгани учун 213 минг сўм устама ҳақ олинди. Қўлда терилган пахтанинг бир тоннаси 67 сўм 85 тийинга тўғри келган бўлса, машинада терилган шунча ҳосил учун 3 сўм 49 тийин сарфланди.

Хўжалик заршунослари бу йил 1420 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ингичка толали пахта етиштириш мақсадида барча майдонларда ғўзани серҳосил, эртаки, машинабоп қилиб ўстирдилар. 5000 тонналик ҳосилнинг 70 процентини (ёки 3800 тоннасини) «пўлат этак»лардан тўкишга даъват этдилар. Область партия комитети бу мурожаатномани маъқуллади.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	1,33	7,74	—	—
Андижон	0,80	4,86	—	—
Қашқадарё	0,71	2,94	0,12	0,31
Сурхондарё	0,52	2,30	—	—
Наманган	0,56*	1,64	—	—
Фарғона	0,50	1,19	—	—
ҚҚАССР	0,29	1,10	0,01	0,01
Тошкент	0,30	0,98	—	—
Самарқанд	0,13	0,14	—	—
Бухоро	0,06	0,06	—	—
Сирдарё	0,01	0,03	—	—
Республика бўйича:	0,44	1,92	0,02	0,04
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	1,20	3,00	—	—
Сурхондарё	0,60	2,71	—	—
Қашқадарё	0,21	0,73	—	—
Самарқанд	0,15	0,15	—	—
Республика бўйича:	0,45	1,97	—	—

* маълумот аниқланган.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 8 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар, иккинчи устун— бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	6,7	33,4
Жиззах	9,4	30,5
Сурхондарё	4,4	16,0
Тошкент	5,1	12,8
Хоразм	3,7	11,1
Наманган	3,7	9,6
Қорақалпоғистон АССР	2,6	6,2
Сирдарё	2,0	4,8
Андижон	1,4	4,3
Бухоро	0,6	1,4
Навоий	0,7	1,2
Фарғона	0,1	0,5
Самарқанд	0,2	0,3
Республика бўйича	3,6	12,0



АГРЕГАТЛАР БАРАКАСИ

ФОТОРЕПОРТАЖ



САБОҚ БЎЛМАГАН ЭКАН-ДА?

ЁКИ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ НЕГА «ИМТИҲОН»ДАН ЎТОЛМАДИ?

Бухоро районида мавсумга шай, деб тайёрлаб қўйилган терим машиналарининг ярмидан кўпи синовдан ўта олмади. Нега..?

«Янги турмуш» колхозининг бош инженери Ж. Ғойибов техника ремонти бўйича областдан келган сифат комиссияси аъзоларини саф тортиб турган терим машиналари сари бошларкан, сал ўтмай ҳижолатдан ер чизиб қолишини ўйламаган эди...

Комиссия ҳар бир агрегатни обдон текшириб, 15 та терим машинасининг бирон-таси ҳам мавсумга тегиш шай эмаслигини аниқлади. Уларнинг барчаси ремонт цехига қайтарилди.

Бундай ҳол райондаги «Москва», «Бухоро» колхозлари (бош инженерлари М. Султонов, Ў. Сайфиев)да ҳам юз берди. Район бўйича 171 та терим машинасининг атиги 82 таси синовда қониқарли, деб топилди, холос.

Бунинг асосий сабаби — район хўжаликларида терим машиналари ремонти аввал бошдан пухта ташкил қилинмади. Ремонтчилар малакасининг пастлиги, тажрибали механизаторларнинг етишмаслиги, эҳтиёт қисмларнинг тақчиллиги ва ишчи кучларининг бу юмушга тўла жалб этилмаганлиги ҳеч кимни қизиқтирмади. Натижада агрегатларнинг кўпчилигида трубалар герметизация қилинмади, электр ускуналари етарли созланмади.

Таъкидлаш керак, райондаги биргина Энгельс номли колхозда барча терим техникаси синовдан муваффақиятли ўтди. Чунки, хўжаликда бу ишга йил бошиданоқ чуқур масъулият билан киришилди.

Савол туғилади: бошқа колхоз-совхозларда нега шундай қилинмади? Ахир, ўтган йили районда етиштирилган ҳосилнинг учдан бир қисмигина машиналарда терилиб, йиллик план 71,6 процентда қолиб кетганди-ку! Сабоқ бўлмаган экан-да?!

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Республикамиз далаларида олтин куз нафаси кун сайин кучлироқ сезилмоқда. Уфқларга туташиб кетган кенг пахтазорларда маржондек тизилган кўсаклар бодроқдек очилди. Чаноқлардан тошиб турган «оқ олтин» теримчи-ю, механизаторларни ўзига чорламоқда.

Сирдарё областидаги қўриқ «Янгиер» совхози деҳқонлари ҳам бу йил мўл ҳосил етиштирдилар. Улар бу йил она-Ватанга 1033 гектар майдондан плангаги 1550 тонна ўрнига 1800 тонна пахта сотишга аҳд қилишган. Айни кунларда далаларда чевар теримчилар мардона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳадемай, «зангори кема»лар ёпасига далаларга чиқади. Ана шунда хўжалик хирмонига янада қут-барака киради. Бунинг учун механизаторлар пухта ҳозирлик кўрдилар. 20 та терим агрегати старт чизиғига келтириб қўйилди. Айни кунларда пайкалларда дефолиация қизғин олиб борилаётир. Хўжаликнинг Жамолиддин Ашурматов бошлиқ звеноси далаларида эса машиналар ҳайқириғи эшитилмоқда. Улар совхозда биринчи бўлиб «зангори кема»ларни пахтазорга олиб чиқдилар. Механизаторларнинг шижоати туфайли кундан-кунга хирмонга қут-барака кирмоқда.

Суратларда: пешқадам механизаторлардан Эргаш Маманазаров (чапдан), Комил Эргашев ва Юсуф Қодирқуловлар бир пиёла чой устида ҳамда машина терими пайти.

В. ТЎРАЕВ фотолари.

● *Номерга хабар*

ХОРАЗМ МЕҲНАТКАШЛАРИ—МАМЛАКАТ АВИАТОРЛАРИГА

Эндиликда Хоразмда саноатнинг янги авиация тармоғи пайдо бўлганлиги ҳақида тапириш мумкин. ЎзТАГ мухбири аэродром ускунаси ишлаб чиқарадиган Куйбишев заводининг Дружба шаҳри филиалидан хабар беради:

Янги корхона Туямўйин гидросаноат қурувчиларининг Дружба шаҳрида жойлашган. Корхона истеъмолчиларга ўз маҳсулотини етказиб беришга киришди. Аммо завод қурилиши давом этмоқда. Неча юзлаб хоразмликлар бу воҳа учун янги бўлган касб-ҳунарларни ўрганиб олдилар. Лекин корхонада ҳозирча планда кўзда тутилган ходимларнинг тўртдан бир қисми ишламоқда. Кадрлар тайёрлаш давом этяпти.

Айни вақтда яна учта ишлаб чиқариш корпуси, автомобиль хўжалиги, ўт ўчириш депоси ҳамда бошқа асосий ва ёрдамчи объектларни бунёд этиш давом этмоқда, бу янги объектлар 30 гектар ерни эгаллайди.

Янги қурилишларнинг биринчи навбати беш йилликнинг охирида ишга туширилади. Сметага кўра авиасозларнинг 12 минг кишига мўлжалланган посёлкасини бунёд этиш ҳам назарда тутилмоқда.

Бош пудратчи «Туямўйингидрострой» бошқармаси жами ишларни келгуси беш йилликнинг охирига тугаллаш мажбуриятини олди. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, завод бир йил ичида қурилишга кетган харажатларни қоплайди, чунки мазкур корхона ҳар йили самолётлар ва вертолётларни текшириб кўриш учун бир неча ўн миллион сўмлик аэродром ускунаси ишлаб чиқаради.

Корхонани энг янги техника билан жиҳозлаш назарда тутилмоқда. Цехларда рақамли программа билан бошқариладиган станоклар монтаж қилинади. Шу цехларда ишлайдиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳақида ҳам ўйлаб қўйишди. Қуйбишев, Тошкент ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги авиация корхоналарида хоразмлик йигит-қизлар группаси тайёргарликдан ўтмоқда. Янги корхонада ишлашга аҳд қилган уқувли ёшларнинг яна бир группаси яқин орада ўқишга жўнаб кетади.

— Кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз, — деди қурилаётган завод директори Р. Мавлонов. — Аввало, бизга рус тилини яхши билган ёшлар керак. Илтимосимизга кўра, маҳаллий мактабларда рус тилини ўқитишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Цехларимизда ишлаш истагини билдирган кишилар кўп. Вақти келиб улар учун ҳунар-техника билим юрти очмоқчимиз.

Гарчи ҳозирча қурилиш графикка кўра бораётган бўлса ҳам, иш суръати бизни ташвишга соляпти, деб сўзини давом эттирди директор. Ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки объектлар, жумладан кўп квартирали уй ва 100 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди, ҳозир бу ерда қурувчиларимиз яшашмоқда. Ёил охиригача қозонхона, насос, компрессор, тозалаш иншоотлари, кичик электростанцияси бўлган энергопоезд ишга туширилиши керак. Улгуришармикан?

... Ана шу объектлар ва биринчи ишлаб чиқариш корпуси қурилишида Сапарбой Машарипов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси зарбдорларча ишламоқда. Бу бригада туямўйинликлар анъанасини шараф билан давом эттириб, иш сифатини яхшилаб, ойлик топшириқларини ошириб бажармоқда.

Янги завод коллективи юқори унум билан ишлаши учун барча шароитлар яратилади. Москвалик инженерлар завод лойиҳасини маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олиб туздилар. Улар корпуслар томининг оригинал конструкциясини таклиф этдилар. Шиша ва альюминдан иборат том шундай тузилганки, бевосита иш ўринларига қуёш нури тушмайди. Саратонда ҳам цехда ўрнатилган саноат кондиционерлари ҳароратни мўътадил бўлишини таъминлайди.

Яқиндагина ҳувуллаб турган жойда муҳташам саройлар, яъни завод корпуслари қад кўтармоқда.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.
Дружба шаҳри,
Хоразм области.

БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИГА ДОИР

Мамлакатда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати келгуси йилнинг январида ўтказилсада, Ўзбекистоннинг бориш қийин бўлган бир қанча районларида аҳолини рўйхатга олиш ҳозирдаёқ бошланмоқда. Қузги ёғин-сочин ва совуқ кунлар бошлангунга қадар 25 та район ҳамда 977 та аҳоли пунктида рўйхат олиш ўтказилади. Ҳар бир шундай район учун уни ўтказиш муддатлари белгиланган: баъзи областларда сентябрь ойидаёқ, баъзиларида эса октябрь ва ноябрь ойларида ўтказилади.

Бундай районларда ҳозирдаёқ рўйхат бўлимлари, инструкторлик участкалари учун бинолар ажратиб қўйилди, рўйхатга олувчи ходимлар тасдиқланиб, ўқитилди. Муддатидан илгари ўтказилаётган рўйхатда жами салкам 2 минг киши қатнашади.

Ишларнинг ҳажми катталиги ва рўйхат ўтказилиши лозим бўлган муддатнинг қисқалиги, унинг программаси кенгайтирилганлиги ана шу кишилардан яхши тайёргарликни ва топширилган иш учун юксак масъулиятни талаб этади. Шу боисдан кадрларни танлашга, унинг сифат составига алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо баъзи корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари буни англаб етмаяптилар, мана шу муҳим умумдавлат тадбирига ўз одамларини юборишни истамаяптилар. Масалан, Янгийўл маиший хизмат комбинатидан, Олмалиқ рўзғор химияси заводидан, «Ўзэлектромонтаж» трестининг Чирчиқ участкасидан ва бошқа бир қанча ташкилотлардан рўйхат олиш ходимларини ажратиб беришда қийинчиликлар юзага келди.

Рўйхатни ўтказишга шайликни тайёрланган ва яхши ўқитилган ходимларгина эмас, шу билан бирга аҳоли ўртасида кенг қўламда оммавий тушунтириш ишларининг олиб борилиши ҳам белгилаб беради. Бориш қийин бўлган жойлар жумласига киритилган районларнинг аҳолиси бу ерларда рўйхатга олиш нима учун муддатидан илгари, қолган барча жойлардагига қараганда барвақт ўтказилаётганлиги тўғрисида хабардор қилиниши керак. Масалан, Сурхондарё областининг Бойсун районида бу иш яхши ташкил этилган. У ердагилар аҳоли рўйхатининг мақсадларини, унинг якунларидан мамлакатни ва ҳар бир республикани иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришнинг халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган янги планларини ишлаб чиқиш учун фойдаланилишини жўн тарзда моҳирлик билан тушунтириб бердилар.

Рўйхат натижалари аҳоли, унинг уй-жой шароитлари тўғрисида тўла-тўкис ва ишонарли ахборотни бериши учун маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг, шу Совет депутатларининг, аҳоли рўйхатига кўмаклашувчи комиссияларнинг ҳар томонлама ёрдами ва мадади зарур. Рўйхатни ўтказиш учун ажратилган кишиларни ўқитиш, уларни жой-жойига қўйиш, транспорт билан ёрдам бериш қатъий назорат остида бўлиши керак.

Яна бир нарса: бориш қийин бўлган айрим районларда аҳоли рўйхатини муддатидан илгари ўтказиш ялпи рўйхатнинг асосий синови бўлади ва унга тайёргарлик даражасини кўрсатади.

(ЎзТАГ).

«СИЗЛАРНИНГ НАМУНАНГИЗ ЗЎР ТААССУРОТ ҚОЛДИРАДИ...»

Гайана халқ тараққийпарвар партиясининг бош секретари Чедди Бхарат Жаган Ўзбекистон билан танишиб бўлди. У бир неча кун давомида республиканинг ҳаёти, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

— Ажойиб республиканинг ажойиб одамлари, — Ч. Б. Жаган Ўзбекистон бўйлаб сафарларидан олган ўз таассуротларини ана шундай ифода этди. — Чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкасини ривожланган жамиятга айлантиришдаги намунангиз зўр таассурот қолдиради. Ҳозирги кунда республика муайян қийинчиликларни бошидан кечираётганлигига қарамай, сизлар эришган муваффақиятлар кишини ҳайратда қолдиради.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Жазоир Миллий озодлик фронти партияси марказий комитетининг аъзоси Х. Бужемаа Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. У Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида бўлди.

8 сентябрь куни Х. Бужемаа Тошкент шаҳар партия комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари болгар халқининг миллий байрами — Озодлик кунини кенг нишонламоқдалар. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда фотовиставкалар ташкил этилиб, митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинатида қардош халқ ҳаётидаги ана шу шонли воқеага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Пойтахт тўқимачилари Совет-Болгария дўстлик жамиятининг коллектив аъзоларидир. Йиғилишда сўзга чиққан меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари Болгариянинг Хасково шаҳридаги тўқимачилик комбинати билан тузилган ҳамкорлик шартномаси социалистик мусобақани ривожлантиришда, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда ёрдам бермоқда, деб таъкидладилар. Йиғилиш қатнашчилари совет ва болгар халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб ривожланиб бораверади, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзТАГ).

ФУЧИК ХОТИРАСИ

Сайёрамизнинг тараққийпарвар журналистлари тинчлик учун, социал адолат ғояларининг тантанаси учун актив кураш олиб бормоқдалар. Бундан 45 йил муқаддам гитлерчилар қатл этган Юлиус Фучикнинг ҳаёти улар учун ёрқин намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Чех антифашист журналисти хотираси шарафига бутун дунёда журналистларнинг Халқаро бирдамлик куни нишонланади.

8 сентябрь куни Тошкентда республика оммавий ахборот воситалари, шаҳар жамоатчилиги намояндаларининг ана шу кунга бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари ҳозир, мамлакатимизда революцион ўзгартишлар амалга оширилаётган даврда матбуот, телевидение ва радио эшиттириш ходимлари қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялаш учун курашинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Шу куни фашизмга қарши кўрқмас курашчининг Тошкентдаги музейида Ю. Фучик ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ А. Г. МАНАННИКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
Ўзбекистон ССР Қурилиш давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Анатолий Григорьевич Мананников Ўзбекистон ССР министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. РОМАНОВСКИЙ.

Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси
Ш. МИРСАИДОВ.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 8 сентябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ Е. С. ТЕМКИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
Ўзбекистон ССР Қурилиш давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Евгений Сергеевич Темкин Ўзбекистон ССР министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. РОМАНОВСКИЙ.

Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси
Ш. МИРСАИДОВ.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 8 сентябрь.

КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширамиз!

ОММА БИЛАН ҲАМКОРЛИК—

Ҳозирги қайта қуриш, демократия ва ошкоралик даврида у ёки бу меҳнат коллективида соғлом маънавий муҳитни вужудга келтириш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Партия ва ҳукуматимиз одамлар тўғрисида, уларнинг руҳий кайфиятини янада яхшилаш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганлиги бежиз эмас.

Маълумки, одамларнинг меҳнатга ва бир-бирларига муносабати маънавий омилларни белгилайди. Шу боисдан ҳам партия, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари одамларни уюштира олиши, уларни иноқлаштириб, сидқидилдан, виждонан ва садоқат билан ишлашларини йўлга қўйиши зарур. Қаерда ўзаро саммий муносабат, иззат-ҳурмат, чинакам ишчанлик, масъулиятни чуқур ҳис этиш, соғлом маънавий-сиёсий иқлим, меҳнат ва турмуш шароитига эътибор йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши таъминланади, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, дўстона ишлаш мустаҳкамланиб бораверади.

МУОМАЛА ВА МУНОЗАРА МАДАНИЯТИ

Дарвоқе, доҳиймиз В. И. Ленин оммага жуда сабр-тоқат ва эҳтиётлик билан муомала қилишни ўргатиб, ўзи сафдошларининг ишига, революцион идеалларга садоқатига қараб, дўстона ва саммий муносабатда бўлган эди. Бинобарин, ўзимизда ана шундай инсоний фазилатларни мужассамлаштиришимиз, маданиятли, ширинсухан бўлмоғимиз даркор. Масъул ходимлар, айниқса, яхши ва дўстона муомалада бўлиши, ўз иш услубларини демократик асосда олиб бориши, коллективда ижодий ва соғлом маънавий муҳитни яратиши, расмиятчилик ва маҳкамачиликка, қўполлик ва дағалликка йўл қўймаслиги, ўзаро баҳс-мунозараларда босиқлик билан қатнаша билиши керак. Айниқса, коллективда иноқ бўлиб, биргалашиб ишлаш, ўзаро муомала ва мунозара маданиятини қарор топтириш ғоят муҳимдир.

Инсон кўнглини гулга ўхшатишади. Дарҳақиқат, у шу қадар нозикки, бир оғиз ширин сўз билан кўнглини тоғдек кўтариб юбориш ёки бир калима дағал сўз, қўпол муомала билан киши дилини вайрон қилиш мумкин. Доно халқимиз «бугдой нонинг бўлмаса ҳам бугдой сўзинг бўлсин», «сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор», «яхши сўз жйдирар, ёмон сўз бездирар», деб таълим беради. Ёки шоир айтганидек, пиёла дарз кетса, бир важ топилур, бирор чегачига муҳтож топилур, аммо дилга шикаст етгудай бўлса, унда на даво-ю, илож топилур... Лекин, афсуски, баъзи онлалар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар, меҳнат коллективлари аъзоларининг ўзаро муносабатларида ҳақорат қилиш ва камситиш, қўполлик ва дағаллик, жиззакилик ва ўзини тута билмаслик ҳолларига дуч келамиз. Табиийки, буларнинг ҳаммаси оқибат натижада асаббузарликка, носоғлом иқлимнинг юзага келишига, аризабозликка ва бошқа жиддий кўнгилсиз воқеаларнинг юзага келишига сабабчи бўлади.

Бир мисол. Ўзбекистон районидаги Шўрсув посёлкасида истиқомат қилувчи М. Акромова уй-жой бошқармаси бошлиғи Қ. Бўрибоев камчиликларини очгани учун унга нисбатан ёмон муносабатда бўлаётганлиги тўғрисида шикоят хат ёзган эди. Текширишда ҳақиқатан ҳам Қ. Бўрибоев комендант М. Акромовага нисбатан муносабатини ўзгартирганлиги, коллективда меҳнат интизомини бузганлиги аниқланди. Редакция топшириғи билан ушбу ариза юзасидан текширish ўтказган Ўзбекистон район Совети ижроия комитетидан хабар қилишича, коллективда меҳнат интизомини қўпол равишда бузганлиги, хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун Қ. Бўрибоевни уй-жой бошқармаси бошлиғи вазифасидан четлатиш масаласи Шўрсув маҳаллий саноат корхонаси дирекцияси ва партия комитетига топширилди.

Муомала маданияти, аввало, онладан бошланади. Агар онла аъзолари иноқ, аҳил, бир-бирига меҳрибон ва ғамхўр, хушфеъл ва ширинсўзан бўлсалар, улар кўча-куйда, маҳаллагузарларда, ишхона ва жамоат жойларида ҳам бошқаларга шундай саммий муносабатда бўладилар. Борди-ю, у ёки бу онла аъзолари, қўни-қўшнилар ёки қариндош-уруғлар бир-бирлари билан тез-тез жанжаллашиб турсалар, шубҳасиз, бу кайфият ишхонадаги касбдош ўртоқлари, ҳатто бегона кишилар асабини бузишгача олиб боради.

«Совет Ўзбекистони» почтаси таҳлили шуни кўрсатадики, арзимаган нарсалар туфайли баъзи онлалардаги носоғлом муҳит ёшлар тарбияси ва тақдирига салбий таъсир этмоқда, ёш онлалар бузилиб кетаётир, ота-она ва фарзандлар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, баъзи коллектив аъзолари ўртасида қадр-қиммат, ҳурмат ва эътибор йўқолиб бораётир. Шу ўринда Наманган районидаги Энгельс номли колхозда яшовчи Ш. (редакциядан: унинг илтимосига кўра исм-фамилиясини тўлиқ келтирмаймиз)нинг аризасидан қуйидаги ташвишли жумлаларни келтириб ўтамиз: «Мен келин бўлган хонадонда ширин сўз ишлатилмас экан. Ҳар ўн кунда бирор нарса сабаб бўлиб, катта жанжал бўлиб тураркан. Ҳар қадаммидан айб қидирадиган бўлиб қолишди. Бизникида бир-бирига бақириш, ота-онага гап қайтариш, отаси боласини дўппослаш кабиларни кўрмаганлигим учунми жуда гангиб қолдим». Ҳурматли ўқувчи, эсингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 15 апрель сонида босилган «Бир онла фожиаси» сарлавҳали мақолада Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район «Шарқ ҳақиқати» маҳалласидаги Ашировлар хонадонида содир бўлган аянчли воқеа баён этилган эди. Хўш, шу ва шунга ўхшаш онлаларнинг онда-сонда бўлса-да, учраб туришларига сабаб нима? Бу шуни кўрсатадики, жойларда баъзи партия, совет ташкилотлари, маҳалла комитетлари ва қишлоқ Советлари, онлалар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар ўртасидаги можароларни ҳал этишда етарли тушунтириш, тарбиявий-сиёсий ишларни олиб бормайдилар. Айрим ҳолларда эса орган ходимлари ўзларини четга олишади. Қатъиятлик ва принципиаллик кўрсатишмайди, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда сусткашлик қилишади.

Умуман, биз —ҳар биримиз, кимлигимиздан қатъи назар, жамият олдидаги бурчимизни ҳалол ўташимиз, инсонга бўлган эътиборимизни ошириб боришимиз, ўзаро муомала ва мунозарада суҳбатдошимизни ҳурмат қилишимиз, том маънодаги маданиятли киши бўлишимиз лозим. Шундай қилинганидагина онлада, коллективда соғлом муҳит, ўзаро саммий муносабат, ҳушмуомалалик ва хушфеъллик юзага келиши мумкин. Айниқса, ширинсуханлик ва мулойимлик раҳбарлик лавозимларида ишлаётган кишилар учун жуда ҳам муҳимдир. Чунки улар ҳамиша омма орасида бўлиб, кишиларнинг доимий кузатувида бўладилар.

Шундай раҳбар кадрлар борки, улар камтар, дилкаш ва сезгир ғамхўр ва меҳрибон, талабчан ва принципиал, кишилар қалбига йўл топа оладилар. Шунинг учун ҳам одамлар унинг ҳузурига ўз ариза ва шикоятлари билан дадил кириб борадилар. Чунки бу ерда ҳар бир масала партиявий принципиаллик билан тез ҳал этилишини биладилар. Бундай инсонпарварлик, ишчанлик фазилатларни мужассамлашган кишилар ўз тақдирини халқ тақдири билан чамбарчас боғлаган бўладилар. Партия ва халқ ҳамиша уларни қадрлайди, эъзозлайди.

Афсуски, редакция почтасида асаб бузувчилар, меҳнаткашлар талаб-истакларини ва эҳтиёжларини ўйламайдиган, манманликка, гердайишга, ғурурланишга берилган, қўпол ва дағал муомалали айрим масъул ходимлар тўғрисидаги ариза ва шикоятлар ҳам учраб туради. Ҳали орамизда шундай кишилар борки, улар бақириб-чақириб, танбеҳ бериб раҳбарлик қилиш, ўз «ирода»сини ўтказиш билан ишни олға бостиришга уринадилар. Воқолонки, уларнинг худди ана шу яроқсиз иш услублари, ортиқча қўполликлари одамларни ишдан совутади, ташаббусини сўндиради, пировардида коллективда носоғлом вазиятни вужудга келтиради.

Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, деган нақл бор. Бу меҳнаткаш халқимизнинг инсонга самимий муносабатини, муомала маданиятини улуғлайди, бепарволик ва совуққонликни, манманлик ва кеккайишни қоралайди. Советобод районидаги «Москва» совхозида яшовчи зоотехник Э. Туркманов хўжалик раҳбарларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари туфайли ишсиз қолганлиги тўғрисида редакциямизга ариза йўллаган эди. Ушбу шикоят хат юзасидан текшириш ўтказган Советобод район партия комитетидан олинган расмий жавобда қайд этилишича, ундаги фактлар тасдиқланди. Совхоз директори буйруғига мувофиқ Э. Туркманов ўз вазифасига тикланди. Ёш кадрларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлганлиги учун «Москва» совхози директори А. Казаков қаттиқ огоҳлантирилди.

Баъзан у ёки бу идора раҳбари ходимларга нисбатан талабчанлик қилса, буни айрим ишёқмаслар дағалликка, қўполликка йўяшади. Тўғри муомала ишга фойда берадиган даражада бўлиши лозим. Ишда шундай воқеалар ҳам бўлади. Масъул ходим идора ёки муассасага кайфияти бузилиб ёки бирор кўнгилсизликдан хафа бўлиб келадию, оғзидан бирор қўпол сўз чиқиб кетади. Шу тариқа раҳбар билан унинг қўл остидаги ходимлар ўртасида совуқчилик бошланади. Натижада бу нарса ишга салбий таъсир қилмай қолмайди. Шунинг учун ҳамма жойда муомала маданиятини қарор топтириш ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга.

Аҳил, якдил, интизомли коллектив—жуда катта куч. Бундай коллективлар кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларнинг меҳнат ва дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиши, меҳнаткаш инсонининг кайфиятини кўтариши, хўжасизлик ва тартибсизликка чек қўйиши билан алоҳида ажралиб туради. Буларнинг ҳаммаси беш йилликнинг улкан планларини бажариш учун муҳим омил ҳисобланади.

Коллектив аъзоларининг уюшқоқлиги, иш унумининг ошиши кўп жиҳатдан масъул ходимларнинг феъл-атворига, муомала маданияти ва муносабатига боғлиқ. Улар одамлар фикрини, танқидий мулоҳазаларини босиқлик билан тинглашга ўрганишлари керак. Афсуски, баъзан айрим кишилар мансаб столига ўтиргач, босар-тусарини билмай қоладилар, коллектив аъзоларини менсимай қўядилар. Хушмуомалалик ва камсуқумлик ўрнини дағаллик ва қўполлик эгаллайди. Эришилган ютуқларни шахсан ўз фаолияти билан боғлаб, ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўядилар. Бундай ҳовлиқиш уларда қўрслик, жиззакилик аломатлари пайдо қилади. Ўзига ортиқча бино қўйиш, тўғри мулоҳазалардан, холис танқиддан тегишли хулоса чиқармаслик, катта-кичик йиғинларда ваъзхонлик қилиш, ноўрин ваъдабозлик—буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда эл эътиборидан қолдиради. Энг аянчлиси, коллективдаги соғлом маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келади.

Партия ташкилотларининг вазифаси—кадрлар билан ишлашни янада кучайтиришлари, ташкилотчи, қобилиятли мутахассисларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтаришлари, атрофига хушомадгўй ва лаганбардорларни тўплаб олиб, ишни барбод қиладиган ходимлар билан келишувчиликка қаттиқ чек қўйишлари лозим.

Энг муҳими, инсон учун кўрк ҳисобланмиш ширин муомала меҳнат коллективининг муваффақият гарови эканлигини унутмаслигимиз керак. Зеро, ўзаро яхши муносабат ва саммий дилкашлик кишилар кайфиятини чоғ қилиш билан баробар меҳнат унумдорлигини ошириш, уларни улкан режаларни ҳал этиш сари даъват этишдек омилкор кучга эга.



СССР 60 йиллиги номли Марғилон абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Атлас» фирмаси илғор тўқувчиси, коммунист Саодат Мирзаева 20 йилдан буён шу корхонада самарали ишлаб келмоқда. У донм кунлик ва ойлик планларини ошириб бажариб ҳамкасблари ўртасида ҳурматга сазовор бўлмоқда. У 20 нафарга яқин ёшларга ўзининг касбини ўргатган.

Суратда: С. Мирзаева шогирди О. Мақсудова билан бирга.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

● «Яхшиси, бир-биримизни асрайлик, бир-биримизга хушмуомала, ширинсухан бўлайлик» (И. Охунов).

● «Мени ризқ-рўзимиз бўлмиш нонга бўлган муносабат қаттиқ ранжитди». (Х. Шомуродов).

● «Аҳолига пассажир хизмати кўрсатиш билан шаҳардаги мутасадди ўртоқлар дурустроқ бош қотиришмаяпти». (М. Каримов).

● Маъмурият фаолияти устидан назорат

КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ-Ю КЕЙИНЧИ?..

Партия ташкилотида ҳар бир тадбир бошланғич ташкилотнинг жанговарлиги ва ишчанлигини таъминлаши, оммага таъсир кучини ўтказишга хизмат қилиши керак. Бундан икки йил олдин ташкил этилган маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси ҳам ана шу мақсадда тузилган эди. Унинг составига тажрибали коммунистлардан врач М. Омонова, катта медицина ҳамшираларн М. Волкова, М. Ражабовалар киритилди. Улар партия ташкилотига яқиндан ёрдам бериш учун ғайрат билан ишга киришдилар.

Аммо партия бюроси ҳам, бу ишга бош-қош бўлган шаҳар партия комитети ҳам комиссия фаолиятини қўллаб-қувватлашни унутиб қўйдилар. Комиссия аъзолари ўзларининг ҳуқуқ ва вазифалари нимадан иборат эканлигини яхши билмас эдилар. Гарчи бошқа бошланғич ташкилотларда ҳам ана шундай комиссиялар тузилганига, улар ҳам ўз вазифаларини чала-чулпа билишига қарамай ҳеч ким махсус семинар кенгашлар ўтказиш ёки бошланғич ташкилотга келиб, шу борада тушунтириш ишлари олиб бориш тўғрисида ўйламади.

Комиссиямиз аъзолари ўз вазифаларини адабиётлардан ўқиб билиб олдилар. Бир йиллик иш планлари тузилди. Шу режалар асосида касалхона бош врачининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари фаолияти, бош врач К. Бердиевнинг ходимларни моддий рағбатлантириш юзасидан қилаётган ишлари, касалхона бўлимларида медицина техникаси ва бошқа аппаратлардан фойдаланиш аҳволи батафсил ўрганилди. Муҳокама чоғида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Масалан, бош врачнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари кўп вазифаларга қариндош-уруғларини, таниш-билишларини тайинлаганлиги, улар эса жон куйдириб ишламаётганлиги маълум бўлди. Комиссия техника хавфсизлиги инженери вазифасига зудлик билан малакали мутахассис ходимни тайинлашни маъмуриятдан талаб қилди. Медицина аппаратларини ишлатадиган кадрларни танлаш, уларни курсларда ўқитиб, малакасини ошириш, ремонтчи слесарлар группасини ташкил этиш ҳақида таклифлар киритди ва у қисман амалга оширилди.

Биз ҳали ўз имкониятларимиз ва ҳуқуқларимиздан тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Чунки юқори органлар ҳамон бизга амалий ёрдам кўрсатишмаяпти. Бундан икки ой муқаддам шаҳар партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими ходимлари бизнинг касалхонамиз ва шаҳардаги бошқа медицина муассасаларидаги партия ташкилотларининг маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияларн ишини ўргандилар. Шу асосда семинардан ўтказиш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш каби бир қатор тадбирлар белгиланди. Биз бу тадбирлар ишимизни осонлаштиришига ишонгандик. Аммо, икки ойдан кўпроқ вақт ўтяпти-ю, ваъда ваъдалигича қолмоқда.

С. ЧОРИЕВА,
Термиз шаҳридаги 1-область касалхонаси партия ташкилотининг маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси раиси, кардиология бўлими врачи.

● «Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

Оилани барбод қилганлиги учун

Ҳозир Гулистон районидаги Навоий номли колхозда истиқомат қилувчи Омонгул Авазова редакциямизга йўллаган шикоят хатида қуйидагиларни ёзганди: «Мен 1959 йилда Абдужаббор Авазов билан (Сирдарё районидаги Ильич номли колхознинг 1—Май участкаси) турмуш қуриб, уч ўғил, уч қиз кўрдик. Оиламизда доимо жанжал бўлиб турарди. Лекин мен оиламизнинг бузилишини истамасдим. Чунки келажакда фарзандларимнинг отамиздан ажратгансиз, деб таъна тошларини ёгдиришларини сира хоҳламасдим.

А. Авазов менга бир неча маротаба қўл кўтарди. Умуман айтганда, уч марта судга бордик. Икки мартасида ярашдик, лекин барибир натижа чиқмади. Суд уч минг сўм пулни ажрим қилиб берди. Ҳозир бор-йўғи бир минг сўмини олдим, холос.

Коммунист киши бир оилани бузиб турса-ю, унга ҳеч қандай чора кўрилмаса?! Устига-устак педагог бўлса, у қандай қилиб ёш авлодни тарбиялай олади?».

Ушбу ариза текшириш ва чора кўриш учун СИРДАРЁ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИга юборилган эди. У ердан олинган жавобда хатда баён этилган фактлар қисман тасдиқланганлиги маълум қилинади. Жумладан, район халқ суди қарорига асосан икки ўртадаги никоҳ бекор қилинган. Ҳозирги вақтда А. Авазов учта болоғатга етмаган болалари учун иш ҳақидан 50 процент миқдорида алимент тўламоқда.

Бундан ташқари у қолган пулни шу йилнинг декабригача тўлашга ваъда қилди.

Оилани барбод қилганлиги ва қолган икки минг сўм пулни тўламаганлиги учун коммунистларнинг қўпчилик овози билан А. Авазовга қаттиқ виговор берилди.

● ИСРОФ ҚИЛМАЙЛИК

УШОҒИ ҲАМ НОН

Хизмат юзасидан яқинда Тошкентда бўлдим. Шаҳарнинг чиройига боқиб тўймайсан киши. Аммо, мени ризқ-рўзимиз бўлмиш нонга бўлган муносабат қаттиқ ранжитди. Қаерга қараманг — бекатларда, магазинларда, автобусларда нон бўлаклари. Ахир Тошкентимиз ижобий маънода нон шаҳри деб аталарди-ку! Бу тўқлика— шўхлик эмасми? Эсимизда, Ленинград қамалида қанчадан-қанча одамлар бир бурда нонга зор бўлиб, жон берганлар.

Биз ҳозир улкан химия асрида яшаяпмиз. Каттакатта қурилишлар қиляпмиз. Наҳотки шу оддийгина ишни яъни қолдиқ нонларни йиғишнинг иложи бўлмаса?! Биз кўрган ачинарли манзара «Пахтакор» станциясидан «Россия» меҳмонхонасигача, холос. Тошкентнинг яна қанча кўча-хиёбонлари бор. Менинг ёнимда пакет бор эди, йигирма минутда 600 грамм нон қолдиқларини териб олдим. Яна айланиб Тошкентга йўлимиз тушса, мана шундай манзарага дуч келмасмиз, деб умид қиламан.

Х. ШОМУРОДОВ.

Ширинсуханлик—инсон кўрки

ТИЛГА ЭЪТИБОР— ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини хушмуомалали қилиб вояга етказиш учун ҳаракат қилади. Лекин шу тарбия ярим йўлда қолиб кетса борми, обрўга путур етди, деяверинг. Дунёда ширинсуханликка нима етсин.

Қўполлик билан бировнинг дилини оғритиш осон. Лекин уни аввалги ҳолатига келтириш жуда қийин. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Тилга эътибор—элга эътибор» деб бежиз айтмайди. Баъзи онлаларни кузатсангиз, арзимаган нарсалар учун кунда уруш жанжал, бир-бирини ҳақорат қилган... Ширин турмушларнинг бузилиб кетиш сабабларидан бири-тилга эътиборсизликдан.

Эътироф этиш керак, қўполлик, кўрслик, инсонни менсимаслик баъзан савдо, соғлиқни сақлаш ва бошқа давлат идораларида учраб туради. Масалан, мен Боғишамол бозоридаги Хартум матлубот жамиятига қарашли сотувчи аёлдан ёш болаларнинг шимини кўрсатишни сўрадим. У менга қараб: «Сизбоп шим бизда йўқ,» — деб тескари қараб олиб дугонаси билан гаплашаверди. «Синглим шим менга эмас, 14 ёшли ўғлимга», — дедим. Сўнг гапини тугатиб, бўлгач, қовоғини солиб, шимни олиб берди. Пулини тўлаб, шимни олдим. Бир нарсага ҳайронман, ўша сотувчи аёл бундай дағал муомаласи билан товароборот планини қандай бажараркан? Баъзан ана шундай қўпол муомалани касалхоналарда, транспортда, ошхоналарда ва бошқа жамоат жойларида ҳам учратиш мумкин.

Келинг, яхшиси, бир-биримизни асрайлик, бир-биримизга хушмуомала, ширинсухан бўлайлик, бўлар-бўлмасга дилимизни оғритмайлик. Асабийлик соғлиқ эгови. Юзимиздан ёруғлик, лабимиздан кулги аримасин!

И. ОХУНОВ,
республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер.
Андижон шаҳри.

● Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти

ЙЎЛОВЧИЛАР НЕГА ХУНОБ?

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш шу кунинг муҳим вазифаларидан бири. Сирасини айтганда, хизмат кўрсатишнинг бу усулини ҳамма жойда ҳам яхши, деб бўлмайди. Буни газчилар шаҳрини-Муборакда ҳам кўриш мумкин.

Шу кунларда шаҳар кўчаларида бўлган киши йўлларда пиёдалар гавжумлигидан, бекатларда эса йўловчиларнинг йўлларга узоқ термулиб, автобус кутиб турганликларини кўради. Бундай ҳол шаҳар аҳолиси учун янгилик эмас. Улар бу ҳақда шаҳар Совети ижроия комитетига бир неча бор мурожаат қилишди. Шундай бўлсада, шаҳар транспортида ўзгариш сезилмаяпти.

Биз бу масалага аниқлик киритиш мақсадида шаҳар автостанцияларида, бекатларида бўлдик. Карши-Бухоро автомагистрали ёнидаги бекат шаҳарнинг бош автостанцияси ҳисобланади. Бу ердан область ҳамда республикамизнинг бошқа бир қанча шаҳарларини боғлайдиган ўн битта маршрутда транспорт қатнови йўлга қўйилган. Аслида бу ерни автостанция дейишга ҳам тил бормайди. Негаки, тўрт томони очиқ бекатда йўловчилар учун шароит йўқ. Буни йўловчи Моҳира Обидованинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин.

— Автостанцияда аввало тартиб йўқ, — дейди у. — Ҳатто кассир ўз жойида ўтирмайди. Автобуслар вақтида келмайди. Ичишга сув йўқ. Айниқса, болалик аёллар, қариялар қийналишяпти.

Шаҳардаги «Автомобилист», «Строитель» маршрутлари бўйлаб юрадиган йўлларда дурустроқ бекатлар йўқ. Борлари ҳам омонат. Биз ана шу маршрутларнинг бекатларида йўловчилар билан суҳбатлашганимизда улар аҳолига пассажир хизмати кўрсатишнинг жуда қониқарсиз эканлигини таъкидладилар.

Шаҳардаги бекатларнинг бирида йўловчилар билан автобус кутдик. Ярим соатлардан кейин автобус лиқ тўла пассажирлар билан бекатга келди. Биз ҳам автобусга чиқиб, охирги бекатгача бордик. Автобусдан тушган йўловчилардан бирига ўзини таништириб, шаҳарда жамоат транспортининг аҳволи хусусида ўз фикрини айтишни сўрадик.

— Мен Венера Шариповаман. «Мубарекгазпромстрой» трестида телефонистка бўлиб ишлайман, — деди у. — Умуман олганда, Муборакда пассажирларга хизмат кўрсатиш даражаси яхши эмас. Автобуслар жуда ифлос.

Шаҳарда бор-йўғи иккита маршрутда автобус қатнайди, холос. Биз бу ҳолнинг сабабларини билиш мақсадида шаҳардаги 101-автотранспорт идорасида бўлдик. Бу ерда эксплуатация бўлими бошлиғи Озод Ҳакимов билан учрашдик.

— Пассажирлар автотранспортчилардан мамнун бўлишяптими?

— Умуман олганда мамнун.

— Шаҳар аҳолиси пассажир хизмати кўрсатилишидан норози. Бунинг сабаби нимада?

— Шу кеча-кундузда бешта автобусни шаҳар партия комитетининг топшириғига кўра совхозларга берганмиз. Шу сабабли шаҳар аҳолисига автобуслар кам хизмат қиляпти. Шунинг учун қатнов графиклари ҳам бузиляпти.

Мубарак темир йўл станцияси ёнидаги автостанциядан район хўжаликларига боғлайдиган маршрутларда юрадиган автобуслар ҳам график асосида юрмаяпти. Кўпинча йўловчиларга билет берилмайди.

Аҳолига пассажир хизмати кўрсатиш билан шаҳардаги мутасадди ўртоқлар дурустроқ бош қотиришмаяпти. Бунинг устига шаҳар ва район маршрутларини автобуслар билан таъминлайдиган 101-автокорхона раҳбарлари ҳам бу ишга лоқайд қарамоқдалар.

Хуллас, бундай эътиборсизликка барҳам бериш вақти келди.

М. КАРИМОВ,
СССР Журналистлар союзи аъзоси.

✦ Сирдарё бинокорлик материаллари комбинати ишчилари иш вақтидан унумли фойдаланиб, тежамкорликка катта аҳамият беришмоқда. Улар йил бошидан буён 4 минг киловатт-соатдан зиёд электр энергия, кўп миқдорда цемент, ёғоч-тахта материаллари иқтисод қилишди. Фақат тежалган ёғоч-тахтанинг ўзидан 12 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Корхонада бошланган тежамкорлик юришида Николай Петров бошлиқ тош-шағал, Аюб Шосаидов етакчилигидаги керамзит буюмлар цехининг ишчилари алоҳида ибрат кўрсатишяпти.

Н. ҚОДИРОВ.

МАТБУОТНИНГ ЕТАКЧИ ПРИНЦИПИ

• ГАЗЕТА • ГАЗЕТХОН

• Мақоламизни ўқиб

ЖИДДИЙ, ЎРИНЛИ

Газетанинг шу йил 17 август сонида босилган Ж. Маматовнинг «Бир коммунист тақдири» мақоласи менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Менинг фикримча, мақола ўз вақтида ёзилган, унда кўтарилган муаммолар жиддий ва ўринли. Афсуски, бундай воқеалар қайта қуришнинг тўртинчи йилида ҳам учраб турибдики, шу нуқтаи назардан қараганда мақоланинг моҳияти ва аҳамияти катта.

Хусусан, «Бир коммунист тақдири»ни ўқиган газетхон адолат учун тинимсиз курашга чорланади. Иккинчи томондан эса, танқидга учраган, фамилиялари кўрсатилган мутасадди кадрларнинг ҳамкасблари ҳам, ўзлари ҳам ишларида балки бурилишга эришишлари мумкин. Адолат ўрнатилиши учун принципиал жанг қилиш, бу масалага юксак партиявийлик билан ёндашишга мақола авторининг ўзи ибрат бўла олади.

Ҳозир областимизда илгарилари йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезроқ тугатиш, барча коллективларда соғлом муҳитни яратиш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Бироқ мақоладан маълумки, фақат бир-неча кишигина ҳамма ишга улгурмайди. Демак, улар атрофидаги кишилар аппарат ходимлари ҳам қайта қуришга муносабатларини тубдан ўзгартиришлари зарур.

Мабодо Йўлдош Суюнов иши айрим партия ва совет ходимлари томонидан «тугатилган» қабилида ҳал этилса, бошқа ҳалол, виждонли, билимли, қайта қуриш жонкуярлари нима иш қилардилар, яъни қандай йўлни танлардилар? Менимча, улар ўз фикрини билдиришдан воз кечишарди. Адолат учун курашишмасди. Партия йўлига ишончсизлик руҳи ҳукм сурарди уларда. Буни қайта қуриш деб бўлармиди? Йўқ. Бу турғунлик даври актив ижрочиларининг ўз мавқелари, сохта обрўлари учун тиш-тирноғи билан курашишларининг бир кўринишидир.

Мақола, шунингдек «Суюнов иши»дан тўла хабардор, аммо адолат ўрнатиш, Йўлдошга ёрдам кўрсатиш ўрнига оддий кузатувчилик қилган, айрим ҳолларда эса «иш»га ҳомийлик кўрсатган коммунистларнинг позициялари тўғрисида ҳам ўйлантиради.

Умуман, мақола демократияни ва танқидни бўғувчиларни ҳаққоний равишда фош қилади.

А. ЭРКАЕВ,
Самарқанд область колхозлар кенгашининг секретари.

● «Бир коммунист тақдири» мақоласини ўқиган газетхон адолат учун тинимсиз курашга чорланади» (А. Эркаев).

● «Бюрократлар ҳали ҳам ваъдабозлик, буйруқбозлик билан шуғулланиб, олға силжишимизга тўсқинлик қилмоқдалар».
(Н. Ҳайдаров).

● «Айниқса, қишлоқ мухбирлари хатларига эътибор кучайтирилишини истайман». (С. Қодиров).

• Редакция аралашувидан сўнг

ҲАҚЛИ ТАЛАБЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАГИ ҚАБУЛХОНАСИДА

Қабулхонага келган мактубларнинг бири диққатимизни тортди. «Ҳурматли редакция, деб бошланади хат. — Мен — Аҳмад Сайдалиев бир неча йил шаҳардаги гунг-соқовлар идорасида, уч йилдан бери эса Қарши районида жойлашган область ипакчилик бирлашмасининг сут-товар фермасида молбоқар бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим Сайдалиева Озода пенсионер. Мендек у ҳам биринчи группа инвалиди. Беш нафар фарзандимиз бор. Шаҳарда торгина уй-жойимиз бор. Жуда эскилиги учун ҳам авария ҳолатига келиб қолган. Шу туфайли фермада яшаб, молларга қарайман. Яшаш шароитимиз қийинлиги учун бирлашма маъмуриятига ариза бергандим. Улар аҳволимни обдон ўрганиб, ўтган йили янги уйга ордер беришди. Афсуски, оиламизга берилган ордердаги уйга бошқа киши сўроқсиз кўчиб кирди. Мен ва оила аъзоларим қўлда ордер билан бирлашма дирекциясига уй сўраб қатнайвериб ҳолдан тойдик. Ордерсиз, сўроқсиз уйни эгаллаганларга бирлашма раҳбарлари тугул, район маъмурий органларининг ҳам кучи етмаяпти. Бу қанақаси, замона зўрникими?».

Биз қабулхонада ушбу хатни ўқиб ўтирганимизда хонага ўрта ёшлардаги аёл билан ёшгина қиз кириб келди. Улар жуда ташвишли кўринишарди.

— Мен Ойтўла Сайдалиева, Қарши шаҳридаги Навоий номли мактабнинг 8-синф ўқувчисиман. Бу киши онам, — деди бояги қиз. — Ахир нима қилай онам гапира олмаса... Отам ҳам, онам ҳам гунг. Хатимизни олган бўлсангизлар ҳамма гап тушунарли бўлса керак. Бир йилдан бери ордер қўлимизда, уйдан эса дарак йўқ. Район ва областдаги кўп идораларга кириб чиқдик, ҳеч қанақа ёрдам бўлмади. Катта акам уйланиши керак. Яшаётган уйимиз авария ҳолатида. Бунинг устига жуда тор. Фақат сизлардан нажот истаб келдик...

Қиз кўзларига ҳалқа-ҳалқа ёш олди. Забонсиз, аммо нималаргадир имо-ишора қилаётган онанинг ҳам кўзлари беихтиёр ёшланди. Улар ёрдам сўраб илтижоли боқишарди. Ташвишли хат изидан бирлашмага йўл олдик.

Воқеани раҳбарларга баён қилдик.

— Ҳамма гап рост, — деди бирлашма бош директори ўринбосари Н. Омонов.— Аҳмад Сайдалиевга ордер ёзилганига бир йил бўлди. Бироқ баъзи кишиларнинг айби билан уй топиб беролмаганимиздан биз ҳам ҳижолатдамиз. Ахир, нима қилайлик, давлат уйларига сўроқсиз кириб олган шахсларга, очиғи, кучимиз етмаяпти. Файзулла Норов ҳам шундай шахслардан бўлиб чиқди. Уч марта огоҳлантирилишига қарамай у уйни бермаяпти. Бундайлар оз эмас. Уларга район прокуратураси, ички ишлар бўлими ва халқ судининг ҳам таъсири сезилмаяпти.

— Аҳмад Сайдалиевлар оиласи аъзоларининг сарсонсаргардон бўлишига биз ҳам қисман айбдормиз, — дейди бирлашма касаба союз комитети раиси П. Турсунов. — Айрим ҳолларда принципсизлик қилиб, бирлашмага катта нафи тегаётган кишиларнинг талабини ҳал этолмаяпмиз. Уй-жой таъминотида ҳам хатога йўл қўйиляпти. Уйлар «олган-олганники» бўляпти. Биз бу масалада ёрдам беришни сўраб маъмурий органларга бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин натижа йўқ.

Бирлашмада бўлганимизда, уй-жой билан боғлиқ ҳужжатлар билан танишдик. Маълум бўлишича, посёлкада ўнлаб оилалар қонунсиз яшаётган экан.

83 та коттеж типидаги уйда 136 та оила истиқомат қилаётир. Аммо уларнинг баъзилари бирлашмага алоқаси йўқ кишилар, бутунлай бошқа жойда ишлашади. Кўпчилиги ордерсиз яшаб келмоқда. Ҳатто, йиллаб квартира ҳақини тўламаганлар ҳам бор.

Ниҳоят, редакциянинг аралашуви билан адолат қарор топди. Икки-уч йиллик сарсонгарчиликка бир кунда чек қўйилди. Аҳмад Сайдалиев оиласига бирлашманинг ҳар томонлама қулайликларга эга тўрт хонали меҳмонхонаси бўшатиб берилди.

Бирлашма раҳбарлари одамлар тақдирига бепарво қарамаганларида оддий меҳнат кишилари шунчалик овораю сарсон бўлишмасди.

Одамлар қабулхонага ҳақли талаблар билан мурожаат қилмоқдалар. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Н. Усмонов область агросаноат комитетининг колхоз ва совхозлардаги парник хўжаликларига ўгай муносабатидан, Қарши шаҳрилик В. Толечько шаҳар водоканал идорасидан, «Кашкадарьяэлектросеть» шофери Т. Муродов область кардиология диспансерининг айрим врачлари ишидан норози бўлиб мурожаат қилишди. Афсуски, кўпчилик идораларда масъул ходимлар томонидан зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган ҳақли талаблар ҳамон галдангалга солинмоқда. Муаммолар редакциянинг жиддий аралашувидан сўнггина ҳал этиляпти.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетига қарашли хўжалик ҳисобидаги 12-автокорхона шофёри С. Сатторов мухбирлар пунктига келиб, раҳбарлар томонидан қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик фактлари давом этаётганлигини баён қилди. Шикоят текшириш учун область халқ контроли комитетига жўнатилди. Текширишда автокорхона раҳбарларининг юк ташишда қўшиб ёзишга йўл қўйганликлари, хизмат вазифасига масъулиятсизлик фактлари тасдиқланди. Область халқ контроли комитети бир қатор мансабдор шахсларни жазолади.

Қамаши районидан Тожинор Шоймуродова бир неча йилдан бери ишга жойлаша олмай оворaю сарсон бўлаётганини маълум қилди. Унга ёрдам бериш район партия комитетидан сўралди. Ульянов районидаги «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози техника хавфсизлиги инженери Эшназар Бегматовнинг шикоят хати юзасидан текшириш ўтказилганда хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ муаммолар шу ернинг ўзида оператив равишда ҳал қилинди.

Жамоатчилик қабулхонамиз ходимлари — Ф. Раҳмонов, Н. Акромова, Ш. Ашуров, область юстиция бўлими бошлиғи ўринбосари Р. Мамадиев ва Қ. Нурмуҳамедовлар қабулга келган кишилар билан илиқ муносабатда бўлиб, масалаларни изчил ҳал этишяпти.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Маҳкамачилик барҳам топсин

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида бюрократизм ҳақида алоҳида резолюция қабул қилиниши айни муддао бўлди. Ана шу анжуман минбаридан айтилган: «Бизнинг демократия усулимиз айрим бюрократларга ёқмай турибди» — деган сўзлар бугунги кунда янада жаранглам оқда.

Раҳбарлик лавозимларига демократик асосда сайлаш партия ва халқ манфаатларига мос тушмоқда. Чунки аввалари бюрократ фақат ўзини ўйлаб, қариндош-уруғларини ва таниш-билишларини турли лавозимларга кўтариб келарди, энди бўлса буларнинг ҳаммасига ғов қўйилди. Бу қайта қуриш ва ошкоралик шарофати туфайли.

Лекин ҳамон айрим кишилар онгида турғунлик давридаги эскича кайфиятлар ҳукмронлик қилмоқда. Натижада айрим жойларда партия қарорларини амалга ошириш пайсалга солинмоқда. Бюрократлар ҳали ҳам ваъдабозлик, буйруқбозлик билан шуғулланиб, олға силжишимизга тўсқинлик қилмоқдалар.

Ошкора айтадиган бўлсак, бюрократлар осмондан тушганлари йўқ. Ўзимиз тарбияладик, ўзимиз талтайтирдик. Юқори лавозимдагилар фарзандларини раҳбарликка кўтар-кўтар қилдилар. Қийинчилик кўрмай, халқ билан яшамаган ёш раҳбар ким ҳам бўлсин?! Шу кунгача шундай бюрократлар борлигидан матбуотга шикоят хатлари кўпайса-кўпайдики озаймади. Ўша ариза ва шикоятларга ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик қилиб жавоб ёздилар.

Хулоса қилиб айтганда, бюрократлар бор экан, арз-дод, шикоятлар оқими камаймайди.

Бизнингча, қўрқоқлик, журъатсизлик ва лоқайдлик билан ишларимизни қайта қуриш қийин бўлади. Шу сабабли бюрократизмга қатъий барҳам беришимиз учун ҳамма бир жон, бир тан бўлиб курашмоғи керак.

Н. ҲАЙДАРОВ,
Ёзёвон районидаги «Правда» совхози.

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Бухоро области. Свердлов районидаги Ҳамза номли колхознинг Сафар Жумаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси маккажўхорикорлари 55 гектар ерга маккажўхори экиб, ҳар гектар майдондан пландаги 53 центнер ўрнига 70 центнердан дон ва 350 центнердан кўк поя олиш мажбуриятини олганлар. Улар ҳозиргача 120 тонна дон, 500 тонна кўк поя ўришди. Айни пайтда кунига 10—15 тонна маккажўхори дони ва 125—130 тонна кўк масса саранжомланмоқда.



Суратда: (чапдан ўнгга) мусобақа пешқадамларидан Бахтиёр Азимов, Аҳад Мусаев, бригада бошлиғи Сафар Жумаев ва шу колхознинг бош зоотехниги Бобоқул Тоҳиров дон сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Ҳ. ҚУРБОНОВ фотоси.

ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

«Узагропромстрой»нинг 3-трестига қарашли Пахтачи районидаги 178-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннанинг КПСС аъзоси Қилич Хотамов бошлиқ комплекс пудратчи бригадаси аъзолари районидаги Карл Маркс номли колхознинг марказий посёлкасида иккита уй-жой биносини сифатли қуриб, фойдаланишга топширдилар. Шу давр ичида қурувчилар 207 квадратметр ўрнига 300 квадратметрдан зиёдроқ ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Бригада аъзолари қурилиш материалларини тежаш ва улардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор беришяпти. Натижада йил бошидан буён 932 сўмлик қурилиш материалларини иқтисод қилдилар.

Меҳнат зафарини қўлга киритишда бригаданинг Шокир Примов, Муҳиддин Отақулов, Муҳаммади Ҳамроев каби қурувчиларнинг қўшган улушлари баракали бўлди. Улар ҳар бир соат иш вақти ва қурилиш материалининг қадрига етиб, зиммаларидаги вазифаларини доимо тез ва соз бажариб, белгиланган кунлик ва ойлик нормаларини 1,5-2 ҳиссадан адо этаётирлар.

Бригада бунёдкорлари йил охиригача яна камида 41-минг сўмлик иш бажариш ёки яна учта уй-жой биносини қуриб, фойдаланишга топширишга аҳд қилдилар.

Шунингдек, Зиёдулла Турсунов бошлиқ комплекс бригада қурувчилари ҳам планларни ошириб бажариб келаётирлар. Улар ҳам ўтган вақт ичида 36,9 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этиб, белгиланган планни 152 процентга етказдилар.

Бу иккала бригада азаматлари йиллик планларини Улуғ Октябрнинг шонли 71 йиллиги кунигача муваффақиятли бажариб, халқимиз учун шинам уй-жой, турли маданий-маиший ва хўжалик биноларини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшиш нияти билан меҳнат қилмоқдалар.

Б. ШАМСИЕВ,
Самарқанд области.

УЙСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

«Узградострой» республика бирлашмасининг Намангандаги уйсозлик комбинати коллективи ўнта кўп хонали уй-жой биноларини фойдаланишга топширди.

— Биз бу уйларни 1-, 2-микрорайон территориясида қурдик. — дейди комбинатнинг ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи Носиржон Қаҳҳоров. — Чиройли, замонавий архитектура билан безанган уйларнинг ҳар бири 40, 60, 65, 70, 72, 90-квартиралидир. Бугунги кунда уй-жой кооперативи учун иккита 90, битта 60 квартирали уйни монтаж қилиб, сувоқдан чиқаряпмиз. Уларни Александр Тарасенко ва Виктор Баранов бошлиқ монтажчилар, Аҳмаджон Султонов ва Бойлармирза Боймирзаев бошлиқ пардозловчилар бригадаларнинг иморатсозлари бунёд этишяпти.

Кўпмиллатли уйсозлик комбинати бинокорлари Қайроққумда учта уй-жой қурилишини қизғин олиб боришяпти. Шунингдек, улар Учқўрғонда ва Тўрақўрғонда ҳар бири 48 хонали, Наманган паррандачилик фабрикаси коллективи учун эса 56 хонали уй-жойларни тез кунда тугатиш ниятида ишламоқдалар.

1-микрорайонда В. Лаптев бошлиқ бригада 280 ўринли болалар боғчаси қурилишини авж олдирмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

• Таклиф, мулоҳаза

ИСТАРДИККИ...

«Совет Ўзбекистони» газетасини 1960 йилдан буён мунтазам ўқиб бораман. Унда босилаётган «Партия турмуши» рубрикаси остидаги материаллар ҳамда фельетонлар, бош мақолалар менга манзур бўлаётир. Истардикки, бундан буён газетада қишлоқдаги социал-маданий ҳаёт, тарбия, ахлоқ-одоб мавзуида мақолалар янада кўпроқ ёритилса. Шунингдек, деҳқон турмуши, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларидаги муаммоларга кенг ўрин берилишини, айниқса, қишлоқ мухбирлари хатларига эътибор кучайтирилишини истайман. Газетада Бухородан кам материаллар берилаётганини ҳисобга олсангизлар.

С. ҚОДИРОВ,
Пешку районидаги «Меҳнат зарбдори» газетаси редактори.

* * *

Саккиз йилдан буён газета обуначисиман. Ундаги танқидий материалларни, долзарб масалалар хусусидаги мақолаларни, оила муаммоларини, фельетонлар, ошкора суҳбатлар ва мутахассислар маслаҳатларини ёқтираман. Кейинги пайтда оилада ҳар хил жанжаллар туфайли ўзини-ўзи ёқиб юбориш ҳоллари учраб турган пайтда газетада тез-тез бу ҳақда мақолалар чиқиб турибди. Бу билан газета кишиларни, айниқса, ёш келинчакларни иродали бўлишга чақиради. Газета бу билан катта тарбия ўчоғини ўтамоқда.

Шу билан бирга газетада мактаб ҳаётидаги қайта қуриш, табиат ва инсон, совет савдоси қоидаларини бузувчи шахслар, юлғичлар, порахўрлар тўғрисида кўпроқ материаллар берилишини истайман.

Н. ҚУРАМАТОВА,
Жиззах шаҳри, ўқитувчи.

* * *

Шу каби таклиф-истаклар билдирилган мактублар Т. Шомуродова (Қамаши райони), О. Абдуллаев (Фориш райони) ва бошқа кўплаб газетхонлардан ҳам олинди.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША

Пастдарғом районидаги «Москва» колхозида яшовчи Т. Қурбонов райондаги баъзи магазинларда савдо қоидалари бузилаётганлиги тўғрисида редакциямизга хат йўллаган эди.

Ушбу мактуб юзасидан текшириш ўтказган **САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ**дан олинган расмий жавобда қайд қилинишича, унда баён этилган фактлар қисман тасдиқланди. Текшириш якунлари кўриб чиқилди. Савдо қоидалари ва нарх-навони бузганликлари учун 9-магазин мудираси М. Абдуллаева сотувчилик лавозимига ўтказилди. 21-магазин мудири М. Абдураҳмоновга ҳайфсан эълон қилинди, 27-магазин мудири Н. Раҳмонов қаттиқ огоҳлантирилди.

Район матлубот жамияти правлениеси қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва гўштга нарх-наво белгиланган.

ҲАЙФСАН БЕРИЛДИ

Қашқадарё область «Водоканал» бошқармасига қарашли Шаҳрисабз шаҳар водопровод участкасининг бир гуруҳ ишчилари томонидан ёзилган аризада мазкур участкада камчиликларга йўл қўйилаётганлиги баён этилган эди.

— Текширишда участкада хато ва нуқсонлар мавжудлиги аниқланди, — дейилади **ШАҲРИСАБЗ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ**дан олинган жавобда. — Текшириш якунлари шаҳар ижроия комитети йиғилишида кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз ишида қатор камчиликларга йўл қўйганлиги учун участка бошлиғи А. Рустамовга ҳайфсан берилди. Унга тез муддат ичида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар белгилаш юклатилди. Шаҳар партия комитети участка иши устидан назорат ўрнатди.

КАССИРЛАР АЙБДОР ДЕЙИШДИ

Яқинда Тошкентдан Наманганга 133-рейс билан учдим. Бунга тасодифан муваффақ бўлдим. Ўша куни бор-йўғи аэропорт бўйича иккита касса ишлаётган эди. Бири билетларни расмийлаштирадиган жойда, иккинчиси эса асосий бинодаги касса эди. Касса дарчасига бир соат навбат кутиб етганимизда 133-рейсга билет йўқ, деган жавоб олдик. Лекин самолётга чиққанимда 10 та ўрин бўшлигининг гувоҳи бўлдим. Мен бизни самолётга кузатган ва билетларни расмийлаштирган ўртоққа:

— Шунча жой бўш туриб, нимага йўловчиларга билет берилмади? — деган саволимга у киши шундай жавоб берди:

— Ҳамма айб кассирларда. Улар билет сотишмаган.

Дарҳақиқат, Тошкент аэропортидаги тартибсизликларга қачон чек қўйилади? Қачонгача айрим ходимлар давлат манфаатларидан кўра ўз манфаатларини устун қўядилар.

К. ЮСУПОВ,
Наманган шаҳри.

Газетхонлар диққатига!

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

Ҳозир ҳамма жойда 1989 йил учун газета ва журналларга обуна қизғин давом этяпти. Обунани тез ва соз ўтказиш, одамларнинг қимматли вақтларини тежаш мақсадида «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ўз ўқувчилари учун тайёр обуна варақасини саҳифада босиб, тарқатишни лозим топди.

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ ТЎЛҒАЗИШДА ҚАЙСИ ОЙЛАР УЧУН ГАЗЕТА ОЛИШИНГИЗ ҲАҚИДА РАҚАМЛАР ОСТИГА «Х» БЕЛГИСИ ҚЎЙИШНИ УНУТМАНГ!

Азиз газетхонлар! «Совет Ўзбекистони» газетасининг бир йиллик обуна баҳоси — 7 сўм 80 тийин, ярим йилга — 3 сўм 90 тийин, уч ойга — 1 сўм 95 тийин.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚУЛАЙЛИКДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Ф. СП-1

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 64583 (индекс издания)
"Совет Ўзбекистони" (наименование издания) Количество комплектов:
на 19___ год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда ___ (почтовый индекс) ___ (адрес)
Кому ___ (фамилия инициалы)

п. в. | место | литер

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА
на газету 64583 (индекс издания)
"Совет Ўзбекистони" (наименование издания)

Стоимость: подписки ___ руб. ___ коп.; переадресовки — руб. ___ коп. Количество комплектов
на 19___ год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда ___ (почтовый индекс) ___ (адрес)
Кому ___ (фамилия инициалы)

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР БАЙРАМИ

БХР

Салкам 120 миллион киловатт-соат электр энергияси, 105 тонна тошкўмир, 15313 тонна цемент, 131 та электрокара... Буларнинг ҳаммаси фақат бир кунда ишлаб чиқарилмоқда.

1944 йилнинг революцион сентябрини ва социалистик қурилишнинг биринчи беш йиллигини ёдда тутувчи бизнинг авлодимиз учун мазкур рақамлар — халқ танлаган йўл тўғрилигининг, Болгария янгиланишнинг ёркин гувоҳи, катта умидлар манбаидир. Мамлакат жаҳон цивилизацияси даражасига чиқди. БХРнинг етакчи тармоқлари — энергетика, металлургия, машинасозлик ва химия саноати мамлакат эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки жаҳоннинг 110 мамлакати билан савдо-сотиқ мулоқотини олиб боришга имкон бермоқда. Болгария электрокарлар ва мотокарлар бўйича жаҳондаги йирик экспортёрлардан биридир. Варна, Бургас ва Русдаги кемасозлик корхоналарида қурилаётган турли кемалар кўпгина денгиз ва океан флотларидан ўрин олган.

Ҳозир мамлакатда 553 мингдан ортиқ киши олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Мактаблар ва олий ўқув юртларида қарийб 1,6 миллион киши, техникумлар ва техникавий ҳамда касб тайёргарлиги курсларида эса 1,3 миллион киши таълим олмоқда. Сал кам 80 минг мутахассис ва олим академиялар, институтларда илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Кўринib турибдики, бутун мамлакат — улкан халқ билим юртидир.

Социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари билан қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик Болгария экономикаси, фани ва маданияти, халқ турмуши даражасидаги чинакам тарихий ўзгаришлар негизидир. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари Совет Иттифоқи ёрдамида тикланди ва қайтадан бунёд этилди. Болгария ташқи иқтисодий айирбошлошининг салкам 80 проценти ҳозир социалистик мамлакатларга, шунинг асосий қисми (60 процентга яқини) Совет Иттифоқига тўғри келади.

Бироқ биз учун байрам фақат ғалабалар тўғрисида гапиришга сабаб эмас. Биз мамлакатнинг замонавий жаҳон экономикасидан ҳали анча орқада қолаётганлигини рўйирост айтяпмиз. Баъзи тармоқларда меҳнат унумдорлиги жаҳон практикасидагига қараганда икки-уч марта пастдир. Мана шунинг учун ҳам қайта қуриш мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини ҳозир қамраб олди. Камчиликларни бартараф этиш учун янги ечимлар, янги системалар ва механизмларни топиш учун изланиш давом этмоқда.

Биз қайта қуриш Болгария диёрида социализмни ривожлантириш учун омманинг тарихий ижодкорлигига янги омил бахш этишига ишонамиз.

К. КОЛЕВ,
профессор.
[София Пресс—АПН].

КХДР

Жаҳондаги энг қадимий мамлакатлардан бири —Корея салкам қирқ йил япон мустамлакачилари асоратида бўлди. 1945 йил августида ҳалоскор Совет Армияси Кореяни мустамлакачилар ҳукмронлигидан озод этди. Миннатдор корейс халқи ана шу тарихий воқеа шарафига Пхеньяндаги Моранбон тоғида халқларимиз дўстлигининг рамзи сифатида Ҳалоскорлик обидасини бунёд этди.

1948 йил августида Олий Халқ мажлисига Умумкорея сайловлари ўтказилди, 9 сентябрда эса Корея ярим ороли Шимолида ишчи ва деҳқонлар давлати — КХДР ташкил топгани эълон қилинди.

Ўшандан буён ўтган 40 йил мобайнида мамлакат меҳнаткашлари Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида янги қаҳрамонлик ва ижодий ғалабалар қозонди. Империалистик кучларнинг ҳар қандай уринишлари, 1950—1953 йиллардаги Америка босқинчиларининг агрессияси ҳам корейс халқини ўзи танлаган йўлдан қайтара олмади.

Эндиликда КХДР — замонавий саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланган социалистик мамлакатдир. Халқ ҳокимияти йилларида республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми 300 баравардан кўпроқ ортди. Фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Меҳнаткашлар турмуш даражаси эса тобора ўсмоқда.

Қардош халқнинг ютуқлари совет кишилари ва унинг дўстларини чин дилдан қувонтирмоқда. Совет—Корея дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари йил сайин мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. 1961 йил июлида Москвада имзоланган СССР билан КХДР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома ана шу дўстона муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Халқ Кореясида янги ҳаёт қурилиши мамлакат иккига бўлинган мураккаб бир шароитларда бормоқда. Америка қўшинлари Корея Жанубида уя қуриб олган. Қўғирчоқ режим уларнинг найзаларига таяниб, аҳолининг демократик ҳуқуқларини поймол этмоқда, мамлакатни ҳарбийлаштиришга зўр бераётир. Табиийки, буларнинг ҳаммаси Корея ярим оролида кескинликни оширib, тинчликка хавф солмоқда. КХДР ҳукумати ва Корея Меҳнат партияси тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ярим орол Жанубидан Америка қўшинлари чиқиб кетиши ҳамда Шимол билан Жануб ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш учун сабот билан курашмоқда. Ана шу куч-ғайратлар Осиё—Тинч океани регионида хавфсизлик системасини яратиш, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун Осиё халқлари олиб бораётган курашнинг муҳим ажралмас қисмидир.

А. РЎЗИЕВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ЮТУҚЛАР СОЯСИДА

«Совет Ўзбекистони» газетаси ва Ўзбекистон радиосининг қўшма рейди

Пойтахт области физкультура ва спортини ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар тарбиялашда ибрат кўрсатмоқда. Спорт базалари мустаҳкамланмоқда. Ҳозир 20 стадион, 16 бассейн, 500 га яқин спорт зали, 176 мерганлик тири, 300 дан ортиқ спорт майдончаси физкультурачилар ихтиёрида. 1450 физкультура коллективи бўлиб, уларга 640 мингдан зиёд киши аъзо. Қишлоқ спортчилари республика, иттифоқ ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. ГТО нишондорлари сафи кенгаймоқда. Шу билан бирга бу соҳада баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Тўғри, бир қарашда пойтахт областида физкультура ва спорт ишлари яхшига ўхшайди. Зотан, муваффақиятлар билан қаноатланиш ва имкониятлардан етарли фойдаланмасликка йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатни Тошкент райони хўжаликларида ҳам кўздан кечириш мумкин.

Албатта, Келесдаги «Умид» спорт комплекси ёшларнинг севимли масканига айланганини эътироф этиш керак. Бу ерда дам олиш кунлари оммавий сайллар, футбол мусобақалари ўтказилса, бошқа кунлар корхона, ташкилотлар, колхоз ва совхоз ёшлари спорт машғулотларига жалб этилади.

— Хўжаликлараро «Умид» клуби ташкил этилганига беш йил бўлди, — дейди спорт комплекси раиси Т. Усмонов. — Стадионни ободонлаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, ремонт қилиниб, яшил майдонга сув сепиш йўлга қўйилди. Теннис майдони фойдаланишга тахт. Мақсад — қишлоқ ёшларига қулай шароит яратиб, бўш вақтни мароқли ва мазмунли уюштиришдир. Кейинчалик хўжалик ҳисобига ўтмоқчимиз. Ҳозирданоқ стадион ўриндиқлари тагидаги хоналарни мослаштириш йўли билан меҳнаткашларга пуллик хизмат кўрсатишни мўлжаллаяпмиз. Бу ерда сауна-ҳаммом, бассейн, машқ қилиш хонаси, душхона каби қулайликлар яратамиз. Ўйлаймизки, бундай «Саломатлик» группасига аъзо бўлиш кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади.

Режалар ва баъзи ютуқлар билан бирга камчиликларимиз ҳам бор. Чунончи, спорт турлари бўйича еттита тўгаракда машғулотлар мунтазамлигига эришиш даркор. Янги очилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун спорт зали ажратилмаётгани ҳам ташвиш бўлиб турибди. Ваҳолонки, ўқув йили бошланиб кетди. Тренерлар масаласи ҳал бўлгани йўқ. Бу борада республика физкультура ва спорт давлат комитети ҳамда жисмоний тарбия институтига бир неча бор мурожаат этдик. Натижа бўлмаяпти...

Районда 8 колхоз, 3 совхоз ва 2 илмий-текшириш институти мавжуд. Район ташкил этилган йиллари биринчи ҳам команда йўқ эди. Ёшлар республика мусобақаларида ҳам қатнашмасдилар. Энди эса уч команда область мусобақасида иштирок этмоқда. «Умид» футбол командаси икки йилдан бери республика чемпионатида қатнашмоқда. Жами 20 коллектив катта-кичик мусобақаларда район спорт шарафини ҳимоя қилмоқда.

— Физкультура ва спортга аҳамият беришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди «Ленин йўли» колхози физкультура инструктори З. Собиров. — Колхоз ёшлари шахмат-шашка, футбол, волейбол, стол тенниси каби спорт турларини ёқтиришади. Айниқса, миллий кураш ишқибозлари кўп. Хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан бақувват. Лекин физкультура ва спортни ривожлантириш ишларига кам эътибор бериляпти.

Колхоз спорт инструкторининг куюнганича бор. Чунки хўжаликда имкониятлардан етарли фойдаланмаяпти. 4-мактаб учун янги бино қуриб берилгач, эскисининг ўрни харобага айланганини қандай тушуниш керак? Эски мактаб биносининг спорт зали сақланган. Лекин фойдаланадиган даражада эмас. Мактаб ҳовлисидан тупроқ ташилгач, сув тўлғазиб ҳовуз қилса бўладиган чуқурлик пайдо бўлган. Панжарадеворлар бузилиб ётибди. Ваҳолонки, бу ерда ҳашар йўли билан ажойиб спорт клуби вужудга келтириш мумкин эди.

«Тошкент» совхозига борганимизда қувонарли ишларнинг шоҳиди бўлдик. Бу ерда от спорти ишқибозлари мамнун. Маълум бўлишича, ўтган йили наврўз байрамида чавандозлар хўжаликбоп отларда пойга қилишга мажбур бўлишган экан. Бундан мусобақа иштирокчилари ҳам, меҳмонлар ҳам ноқулай аҳволда қолишган. Шундан кейин совхозда чавандозлик клуби базасини мустаҳкамлаш, зотли отлар билан таъминлашга қарор қилинди.

— Мени чавандозлик клубига таклиф этишганда ҳали ҳеч қандай иш бошламаган эди, — дейди совхоз чавандозларининг устози В. Исаев. — Ҳаммасини бир чеккадан бошлашга тўғри келди. Бизга ажратилган жой ҳам дидга ўтирмади. Лекин рози бўлдик. Сабаби эски сут фермасини бўшатиб беришди. Майдон етишмас эди. Ёнига товуқхонани қўшиб олишга тўғри келди. Кейин ремонт ишларини бошлаб, арғумоқларга қулай отхона мослаштирилди. Энг муҳими, совхозда 100 минг сўм пул ажратилиб, 16 та зотли от келтиришга аҳд қилинган эди. Арғумоқларни Краснодар ўлкаси от заводларидан олиб келдик. Боиси, мутахассислар Ўзбекистон от заводларида етиштирилаётган жониворлар талабга жавоб бермаслигини, бунинг устига анча қиммат туришини таъкидлашди.

— Ҳаммаси яхши бўлади деган фикрдаман, — дейди совхоз чавандозларидан бири Т. Тошпўлатов. — Ўзим спорт мастериман. От миниш ишқибозлари бизда кўплаб топилади. 15 та болани группамга олдим. Қолган икки группада 20 тадан ўсмирга чавандозлик сирлари ўргатилмоқда. Ўзим «Амирхон» лақабли отда республика биринчилигига ҳозирлик кўрмоқдаман. Кейинчалик қишлоқ меҳнаткашлари ва ёшларига пулли хизмат кўрсатишни йўлга қўймоқчимиз. Фаэтонлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Чавандозлар арғумоқларни тўсиқлардан олиб ўтиш, дала учқураши, от йўрттиришларни ўрганадилар. Яқин йилларда клубимиз республикамиздаги наларга тушган жойлардан бўлиб қолса ажабмас.

Рейд мобайнида Тошкент районн хўжаликларида спорт ишларини ривожлантиришга икки хил қараш борлиги сезилди. Колхоз ва совхозларда бор имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти. Районда эса 40 дан ортиқ хўжалик ва муассаса бор. Айниқса, қишлоқ ёшларини физкультура ва спортга жалб этиш, жисмоний тарбиянинг оммавийлигига эришишда лоқайдликка йўл қўйилмоқда. Районда меҳнаткашлар бўш вақтини қўнгилли ўтказишлари учун қулай шароитлар яратиш зарур. Маданий-спорт комплекслари имкониятларидан етарли фойдаланиш керак. Спортнинг оммабоп ва севимли турлари билан шуғулланиш учун шароит даркор. Шунга эришиш керакки, физкультура ва спорт саломатлик ва баракали меҳнатнинг муҳим омилига айлансин.

Ҳ. НОСИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

А. АЛИМОВ,
Ўзбекистон радиосининг мухбири.

ФУТБОЛ:

КУРАШ БОШЛАНДИ

Совет футболчилари УЕФА соврини учун мусобақаларни муваффақиятли бошлаганликларини қайд этиш керак. «Жальгирис» командаси Австриянинг «Аустрия» футболчиларини қабул қилиб 2:0 ҳисобида устун келди. Минск динамочилари эса Болгариянинг «Тракия» командаси Европа мамлакатлари совринлари учун мусобақа старт олди. Мамлакатимиз футбол коллективлари дастлабки учрашувларни ўтказдилар.

Европа чемпионлари кубоги мусобақасида Москва спартакчилари ўз майдонларида Шимолий Ирландиянинг «Гленторан» командасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ғолиб чиқишди.

меҳмони бўлдилар. Учрашувнинг биринчи ярмида динамочилар ҳисобни очишди. Танаффусдан сўнг дарвозалар бир мартадан ишғол этилди. 2:1 ҳисобида ғолиб келган Минск динамочилари жавоб учрашув олдидан ўзлари учун қулай имкониятни яратдилар.

Днепропетровск шаҳрида ҳаяжонли беллашув бўлди. «Днепр» футболчилари Франциянинг «Бордо» командаси билан куч синашдилар. Меҳмонлар командасида таниқли футболчилар майдонга тушишди. Танаффусгача меҳмонлар ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Иккинчи бўлимда «Днепр» ўйинчилари ҳужумга зўр бердилар. Тез орада ҳисоб тенглашди — 1:1. Шундан кейинги уринишлар натижа бермади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида босмадан чиқарди.

А. Чехов, В. Короленко. Чиновникнинг ўлими. Кўр музикачи. 288 бет. Баҳоси 1 сўм 90 тийин.

Тўпламга машҳур рус ёзувчиларидан иккитасининг ҳикоя ва қиссалари жамланган.

А. Қаҳҳор. Аяжонларим. 336 бет. Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Бу тўртинчи жилдга адибнинг беш пьесаси, турли йилларда ёзилган портрет ва фельетонлари киритилган.

А. Исроилов. Биз — дунё одамлари. Шеърлар. 160 бет. Баҳоси 75 тийин.

Тўпламда шоирнинг янги шеърлари билан танишар экансиз, шоир қалбини ёндиликда дунёвий безовталиклар қамраб бораётганлигини, шеърлари қат-қатида фалсафийлик омухта эканлигини ҳис этасиз.

А. Шукуров. Дийдор. Ҳикоялар. 68 бет. Баҳоси 15 тийин.

Тўпламга киритилган ҳикоялар ўзининг ҳаққонийлиги, қаҳрамонлар руҳияти тасвирининг тиниқлиги билан ажралиб туради.

М. Тенглашев. Ижод сеҳри. Адабий-танқидий мақолалар. 92 бет. Баҳоси 25 тийин.

Китобда ёшлар ижодининг ўзига хос хусусиятлари, айрим қиссаларда замондошларимиз образининг намоён бўлиши, шунингдек, ҳозирги шеъриятимизнинг характерли жиҳатлари ҳақида фикр юритилади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг!

Обуначи ўз турар жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли чақмоқларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Газетхонлар диққатига!

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ

Қулайлик учун квитанция қоғози тавсия этилмоқда

ҚИРИШ ЧИЗИҒИ.

3-БЕТГА ҚАРАЛСИНИ

● *Тингланг, томоша қилинг*

9 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ.I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Мультфильмлар. 9.35 — Ҳужжатли фильмлар. 10.15 — Янгиликлар. 10.25 — Халқ қуйлари. 16.30 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Ленинград телевидениесининг программаси. 17.35 — Мультфильм. 17.45 — Болгария телевидениесининг программаси. 18.45 — Сиз яратган боғ. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — «Рақс тушишни ўрган». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Л. Н. Толстой туғилган куннинг 160 йиллигига. 22.50 — Нигоҳ.

МТ.II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Москва бўйлаб саёҳат. 9.35 — Адабиёт. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Инглиз тили. 10.35 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — Инглиз тили. 13.05 — «Болаларимиз учун уй». Бадиий фильм, 5-серия. 14.05 — Янгиликлар. 14.15 — «Омега» варианти». Бадиий фильм, 4 ва 5-серялар. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Рассом устахонасида. 19.00 — Л. Н. Толстой. Сўнгги кунлар. 20.00 — Агар соғлом бўлай десанг. 20.15 — «Колхети» фольклор ансамбли ижро этади. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — СССР халқ артисти А. Соловьяненко концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Болаларимиз учун уй». Бадиий фильм, 5-серия. 23.15 — Янгиликлар. 23.20 — Хоккей. «Динамо» (Рига) — «Динамо» (Москва).

ЎзТВ-I. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 «Истеҳком жавоб берди». Бадиий фильм. 17.30 — Физика. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 19.00 — ВЛКСМ 70 йиллигига. 19.35 — Омон Мухтор. «Инсон қудрати». Телекомпозиция. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ф. Шукурова чалади. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Аму наволари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Аниқлик ва ҳужумкорлик учун. 23.45 — Рақснинг мафтункор онлари.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — М. Насимов. «Дилбарим». Вокалсюта. 9.45 — Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 10.15 — «Ниҳол» дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 11.15 — «Юность» 12.10 — Ўзбекистон бинокори. 12.30 — Ўзбек авторларининг қўшиқлари. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — А. Дементьев шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Ғунча» — «Юлдузча» меҳмони. 15.50 — Қувноқ қўшиқлар. 16.00 — Дўстларимиз овози. 18.15 — Бизнинг социалистик турмуш тарзимиз. 18.40 — Ленинча дўстлик байроғи остида. 19.20 — Огонёк. 19.40 — Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил топган кунга. 20.15 — Касаба союзлар фаолияти доираси. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 23.10 — Усмон Носир туғилган куннинг 75 йиллигига. 24.00 — Тунги музикали программа.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
1988—1989 ўқув йили учун
КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни битирган, 34 ёшдан ошмаган, камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлган халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишловчилар қабул қилинади, шунингдек Совет Армияси сафидан қайтган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсиянома-йўлланма икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга шахсларгагина берилади. Ишчи вазифасидаги амалий иш стажи шу корхонада охирги 2 йили узлуксиз бўлмоғи лозим (шогирд сифатидаги иш стажи тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди). Ўқиш учун йўлланма олган колхозчилар ҳар бир йил учун шу колхознинг минимум меҳнат кунига эга бўлишлари зарур.

Тайёрлов бўлими қуйидаги факультетлар бўйича тингловчилар қабул қилади: математика, амалий математика ва механика, физика, география (қуруқлик гидрологияси), ўзбек тили ва адабиёти, химия, биология (тупроқшунослик ва агрохимия), КПСС тарихи, психология.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ректор номига ариза, иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари тасдиқлаган), медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см ҳажмида).

АРИЗАЛАР 25 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Суҳбат (танлаган ихтисосга қараб) **2 ёки 3 фандан 26 сентябрдан 29 сентябргача ўтказилади. Тайёрлов бўлимини тугатган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар университетнинг I-курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

Машғулотлар 1 октябрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 10 ОЙ.

Паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, комсомол ва касаба союз билетлари шахсан кўрсатилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими. Студентлар шаҳарчаси, биология факультети биноси, 1-қават, 105-хона.

КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЛУЧ» ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

СВЕРДЛОВСКДАГИ «ЛУЧ» САЛОНИ ГЕОДЕЗИЯ, ОПТИКА-МЕХАНИКА ВА ОПТИК-ЭЛЕКТРОН ПРИБОРЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.

Юқори частотали турғун оптика-механика приборларининг ремонти сайёр бригадалар томонидан ўша ернинг ўзида бажарилади.

Созлаб қайта тикланган приборларнинг 2 йил бенуқсон ишлашига кафолат берилади. Ана шу даврда аниқланган носозликлар бепул бартараф этилади. Таъмирланган приборлар ёрдамида бажарилган ишларнинг юқори сифатли бўлишига кафолат берилади.

Сиз қимматбаҳо универсал приборни ижарага олиб, кам харажат билан бирйўла юксак савияда тадқиқотлар ўтказиш имконига эга бўласиз. Айни пайтда салонда бўлмаган приборга олдиндан буюртма беришингиз мумкин.

Буюртмаларни қабул қилиш, шартномаларни тузиш ва приборларни топшириш қуйидаги адресда амалга оширилади: 620100, Свердловск, Мичурин кўчаси, 217.
Телефон 24-18-24.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-КОММЕРЦИЯ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясининг
ГЕОГРАФИЯ БЎЛИМИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Комплекс регионал география прогнозлари», «Картография ва тадқиқотларнинг дистанция методлари» лабораторияларининг **кичик илмий ходимлари.**

Конкурс муддати — 14 сентябргача.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700052, Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 85-уй. Телефон: 35-04-80.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Невропатология профессори (медицина фанлари доктори);

фтизиатрия кафедраси доценти ва ассистенти.

Конкурс муддати — 19 сентябргача.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700007, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 51-уй.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
11 СЕНТЯБРЬ соат 17.00 да СССР 51-чемпионати учун I-лиганинг
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «РОСТСЕЛЬМАШ» (Ростов-Дон)
командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Танаффус вақтида спорт-буюм лотереяси ўйналади.

Серия номерлари — 044001 дан 046000 гача.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ҳурматли футбол ишқибозлари! Билетларни ўз вақтида сотиб олишингизни илтимос қиламиз.

ВАСХНИЛнинг ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ
марксча-ленинча фалсафа кафедраси доценти
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 19 сентябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри Намойишлар хиёбони, 5-уй, 16-хона.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/IX да **Боғча-сарой фонтани** (премьера), 10/IX да **Дон Карлос.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IX да **Келинлар қўзғолони,** 10/IX да **Корилар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/IX да **Ёшликда берган кўнгил,** 10/IX да **Хотинимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IX да **Парвона** (Бош ролда Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов), 10/IX да **Майсаранинг иши** (18.00).

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг чет эллар̀га эшиттиришлар коллективи «Ватандош» радиостанциясининг редактори Б. Бобоновга онаси

Урол БОБОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекбирлашув» правлениеси коллективи «Ўзбекбирлашув» ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш. Қ. Иноғомовга укаси

Шавкат Қорневич ИНОҒОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 10955. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. А. — 207. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12